

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЙФУЛЛАЕВА НИГОРА ЗАКИРАЛИЕВНА**

**ТАЛАБАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРНИ ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ  
(иқтисодий фанларни ўқитиш мисолида)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Сайфуллаева Нигора Закиралиевна**

Талабаларда иқтисодий тафаккурни инновацион технологиялар асосида  
ривожлантириш (иқтисодий фанларни ўқитиш мисолида) ..... 3

**Сайфуллаева Нигора Закиралиевна**

Развитие экономического мышления у студентов на основе инновационных  
технологий (на примере обучения экономическим дисциплинам) ..... 21

**Sayfullaeva Nigora Zakiralievna**

Development of economic thinking among students on the basis of innovative  
technologies (on the example of teaching economic disciplines) ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЙФУЛЛАЕВА НИГОРА ЗАКИРАЛИЕВНА**

**ТАЛАБАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРНИ ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ  
(иқтисодий фанларни ўқитиш мисолида)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Ped565 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Олимов Ширинбой Шарофович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Абдусатторхўжа  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ибрагимов Аъламжон Амриллоевич  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» феврал соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хибони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хибони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «15» феврал да тарқатилди.  
(2022 йил «15» 02 даги 12 -рақамли реестр баённомаси)



Х.И. Ибрагимов

Илмий даражалар берувчи  
илмий Кенгаш раиси, педагогика  
фанлари доктори, профессор

Ш.Р. Урақов

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа доктори (PhD) пед.ф.б.

Ш.Ш. Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
педагогика фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ривожланган мамлакатлар томонидан иқтисодий-ижтимоий ва технологик ривожланишнинг асосий омиллари сифатида тайёрланаётган кадрларнинг иқтисодиётга оид билимлари ва малакаларининг етарлича шаклланганлигига аҳамият қаратиб келинмоқда. Илғор таълим тенденцияларида, глобал иқтисодиёт талабларини инобатга олиб, таълимнинг оммавийлиги ва узлуксизлиги каби хусусиятлари билан бир қаторда ўқитишнинг шахсга йўналтириш, талабаларнинг ижодкорлик ва янгиликларни яратиш қобилиятини фаоллаштириш мазмуни иқтисодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Жаҳондаги European University Institute, Max Plank Institute, Harvard Law School, European Integration (ECSA-Austria), ARENA (Oslo), Mannheim Centre for European Social Research каби нуфузли илмий тадқиқот таълим марказлари томонидан бўлажак мутахассисларнинг иқтисодий билимларини стандартлаштириш, иқтисодиётни ўзлаштиришга бўлган мотивацияларни ошириш механизмларини такомиллаштириш, натижаларни баҳолашга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, талабаларда иқтисодий билим ва тафаккурни ривожлантиришда инновацион педагогик технологиялар самарадорлигини ошириш борасидаги изланишлар инновацион таълим мафқураси ва методологиясини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини сифат жиҳатдан янгилаш, жаҳон тажрибалари асосида ўқув жараёнлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, олий таълим муассасаларининг бошқарув тизимини такомиллаштириш борасидаги ислохотлар илғор таълим технологияларига асосланган ўқув муҳитини шакллантирмоқда. Олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясида “назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Шу мақсадда, талабаларда иқтисодий тафаккур ривожланишининг назарий асосларини аниқлаш, иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик моделини яратиш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ўқитишнинг инновацион методлари асосида иқтисодий тафаккурни ривожлантириш механизминини ишлаб чиқиш, бу борада илмий-методик таъминотни мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Қарори. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами: 06/19/5847/3887-сон. 09.10.2019 й.

Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва иқтисодий, педагогик, социологик ва бошқарувга оид адабиётларнинг таҳлилига кўра, шахснинг иқтисодий тафаккурини шаклланиш муаммолари билвосита В.Г. Афанасьев, В.И. Болдин, А.Д. Жарков, В.Л. Чистяковларнинг асарларида кўриб чиқилган, бу эса мазкур феноменнинг мазмуни, хосияти ва табиатини тадқиқ қилишга жиддий таъсир кўрсатди.

Бу муаммога В.Г. Андреев, В.С. Коробейников, А.И. Ракитов, Ф.Р. Филиппов каби социолог олимлар ҳам қўл уришган, улар нафақат иқтисодий тафаккурнинг аҳамиятлилигини таъкидлашга, балки уни шакллантиришнинг самарали йўллари аниқлашга ҳаракат қилишган.

Педагогика фанида бу муаммога В.К. Платонов, А.Д. Жарков, Л.И. Уманский, В.В. Шинкаренколар мурожаат этишган, бу мазкур муаммони камраб олган шахсни ижтимоий муносабатлар томонидан ривожлантиришнинг детерминация тамойилини очишга ёрдам берган.

Иқтисодий тафаккурни ривожланиши масалалари билан шуғулланган Б.Н. Наврўз-зода, Л.И. Абалкин, П.Г. Бунич, В.Г. Зинин, И.А. Столяров, С.С. Шаталин, Л.А. Богунов каби иқтисодчи олимлар ушбу муаммонинг айрим жиҳатларини очиб беришган.

Олий мактаб муаммолари, унинг ривожланиши истиқболларига А.А. Алферов, Б.П. Беспалько, А.Д. Жарков, В.М. Чижиков, В.П. Подвойскийлар ўз асарларида аҳамият беришган.

Иқтисодий таълим ва унинг таълим жараёнида қўлланишини ўрганган ҳозирги замон олимлар қаторида С.Л. Брю, Д.Ж. Кейнс, Э. Долан, П. Друкер, К. Макконел, А.М. Волгин, В.Е. Комаров, Л.И. Якобсон, Н.З. Волчек, Ю.А. Огибин, А. Абдувоҳидов, С.С. Ғуломов, Т. Шодиев, Т. Жумакулов,

Б.Атаниязов, М.Расулов, Ш.Шодмонов, Т.Ахмедов, Р.Алимов, С.Саидов, Н.Ходжаев, З.Сариков, М.Маматов, Р.Мавлонова каби тадқиқотчилар бор.

Узлуксиз таълим тизимидаги ўқувчиларда тафаккурнинг янги тарзи шаклланишининг миллий модели Ш.Қурбонов, У.Иноятов, Э.Сейтхалилов, Ш.Шарипов, Э.Юзликаеваларнинг ишларида ўрганилган.

Муаммонинг психологик жиҳатлари Л. Рубинштейн, А. Маслоу, А. Леонтъев, М. Давлетшин, Э. Ғозиев, В. Каримова, Р. Суннатова, Н. Сафаев, З. Нишонова каби психолог олимлар томонидан ўрганилган.

Д. Шарипова, О. Мусурмонова, М. Қуронов, С. Нишонова, У. Махкамов, Э. Турдиқулов, Р. Сафарова, Б. Адизов, Н. Шодиев, А. Чориев, Ш. Мардонов, Д. Рўзиева, Н. Эгамбердиева, Ш. Шодмонова, Ш.Олимов, Ш. Шарипов, О. Жамолидинова, В.А. Сластенин, И. Исаев, Е.Н. Шияновлар каби педагог олимларнинг илмий тадқиқотларида инновацион тафаккур ривожланиши муаммосининг ўзига ҳос хусусиятларига, хусусан мустақиллик, миллий, маънавий-ахлоқий, валеологик, ижодий ва бадиий жиҳатларига алоҳида эътибор берилган.

Дж. Брунер, У.Х. Килпатрик, А.М. Матюшкин, А. Н. Поддьяков, А.И. Савенков ва бошқаларнинг асарларида тадқиқий ва лойиҳавий усулларга асосланган ўқитиш ғояси ўрганилган.

Педагогика ва иқтисодий таълимнинг самарадорлик жиҳатлари кўп йиллар давомида Н.Ш. Шодиев, Б.Н. Наврўз-зода, Х.Р. Матякубов, Ш.Н. Файзуллаев, З.А. Валиева, Н.А. Ҳамидова, Х. Умарова, Б.Б. Собиров, Н.К. Камалова, С.С.Бобоқулов, Д.У. Джураев, Clow, Litman, Wolfe, Paden, Moyer, Mandelstamm, Horton, Bach, Hansen, Brandis, Charkins, O'Toole, Wetzel, Case, Watts, Lynch, Walstad, Benzing, Christ, Saunders, Salemi, Siegfried, Becker, Watts, Terregrossa, Englander, Colander каби республика ва хорижий олимлар тадқиқотларининг предмети бўлган.

Муаммонинг долзарблиги ва унинг педагогика фанида етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, амалиётни асосли тавсияларга эҳтиёжлиги олий таълим муассасалари талабаларида иқтисодий тафаккур ривожланиши жараёнини тадқиқ этишга асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф1-04 (08) “Ўзбекистонда давлат миқёсида туризмни барқарор ривожланишининг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда кооперация ва интеграция муносабатлари асосида фермерлик хўжаликларида рақобатбардош маҳсулотларини етказишнинг муқобил моделларини ишлаб чиқиш” (2017-2020 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** талабаларда инновацион технологиялар асосида иқтисодий тафаккурни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

олий таълим муассасалари талабаларида “иқтисодий тафаккур” тушунчасини белгилаш ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳозирги кун нуқтаи назаридан мазмунан тавсифини аниқлаш, инновацион технологиялар асосида олий таълим муассасалари талабаларида иқтисодий тафаккур ривожланишининг назарий асосларини аниқлаш;

иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик моделини яратиш ва олий таълим муассасалари талабаларида иқтисодий тафаккурни ривожлантириш жараёни самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

ўқитишнинг инновацион методикалари асосида талабаларда тафаккур рефлексияси ва ижодий қобилиятлар ривожланганлигининг юқори даражасига эришишга имкон берувчи иқтисодий тафаккурни ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасалари талабаларида иқтисодий тафаккурни ривожлантириш жараёнини очиб берувчи илмий-методик тавсияларни апробация қилиш ва ўқув жараёни амалиётига жорий этиш, экспериментал йўл билан ўқитишнинг инновацион технологияларини қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инновацион технологиялар асосида талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қарши, Самарқанд, Бухоро давлат университетлари, Бухоро муҳандислик-технология институтининг 445 нафар респондент талабалари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** инновацион технологиялар асосида талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг мазмуни, усуллари ва механизмларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тадқиқот мавзуси бўйича психологик-педагогик ва иқтисодий адабиётларнинг назарий таҳлили усулидан фойдаланилган, шунингдек, қуйидаги эмпирик усуллардан фойдаланилган: таъкидловчи, шакллантирувчи ва назорат экспериментлари, диагностик усуллар, сўровнома, эмпирик материални таҳлил қилиш ва синтезлаш, ўхшашликларни тузиш, сабаб ва оқибат боғланишларни аниқлаш мақсадида мантиқий усуллар, ўқув фаолиятни эксперт тарзда баҳолаш усули, амалий машғулотлар педагогик жараёнини таҳлиллаш, ижтимоий-педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жамият тараққиётининг асосий мақсадларига (макро ва микро) йўналтирилган инновацион иқтисодий тафаккур тушунчасининг моҳияти билимларни инновацияга айланиш босқичларидаги иқтисодий фикрлаш тузилмаси (объекти, субъекти ва йўналиши) ва турларини (давлат, бозор, ижтимоий) аниқлаштириш асосида очиб берилган;

иқтисодий фанларни ўқитишда иқтисодий тафаккурни ривожлантирувчи таълим технологияларини лойиҳалаш жараёни иқтисодий тафаккур ва талаба



маданиятининг ўзаро алоқадор элементларини (билим, дунёқараш, маданият) белгилаш асосида такомиллаштирилган;

иқтисодий тафаккурни ривожлантирувчи аудиториядан ташқари ўқув фаолияти босқичлари инновацион-тадқиқотчиликка йўналтирилган таълим ёндашувларининг (“эссе”, “флешмоб” каби) талаба шахсида иқтисодий тафаккурни шакллантириш имкониятлари таркибини (иқтисодий воқелик, иқтисодий хулқ-атвор нормалари, иқтисодий маданият, иқтисодий ахлоқ) очиб бериш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида иқтисодий фанларни ўқитишнинг илмий-услубий таъминоти педагогик жараёнларнинг методик комплексини (тавсиялар, ишланмалар, ресурслар, сценарийлар) ва талабаларда иқтисодий тафаккурнинг ривожланиш даражасини баҳолаш тузилмаси (когнитив, психоэмоционал, стереотиплаштириш бўйича) ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тизимли таҳлил асосида талабаларни инновацион иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг тузилмаси, мазмуни, шакл, метод ва воситалари аниқланган ва асослаб берилган ҳамда талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг баҳолаш параметрик модел ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижасида талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожлантиришга оид назарий ёндашув, ғоялар, тавсиялар билан бойитилган, мавжуд иқтисодий тафаккурни ривожлантириш мазмуни янги қарашлар билан такомиллаштирилган;

ўқитишнинг инновацион методикаларини қўллаш асосида талабаларда тафаккур рефлексияси ривожланишининг юқори даражасига ва ижодий қобилиятларга эришишга имкон берувчи, ўқув-ишлаб чиқариш интеграцияси концепцияси ва фанлараро боғланишларни кучайтиришга асосланган талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг кўп векторли механизми ишлаб чиқилган;

ўқитиш жараёнида инновацион технологияларни қўллаш орқали “Иқтисодий назария” фанининг методик таъминоти такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалга оширилган ёндашув ва усуллар, фойдаланаётган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги кўрсаткичларининг асослилиги, уларни математик-статистик усуллар билан қайта ишланганлиги, хулоса, таклифлар ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Натижаларнинг илмий аҳамияти таклиф этилган иқтисодий тафаккурни кўп векторли ривожлантиришнинг принципал схемаси, илмий-услубий қўллаб-қувватлашнинг моҳиятини очиб бериш, таълим жараёнини самарали лойиҳалаш ва қўйилган таълим мақсадларига эришиш учун инновацион технологияларни танлашга олиб келадиган талабаларда иқтисодий тафаккурни баҳолашнинг принципал янги параметрик модели ва алгоритминини ишлаб чиқиш, инновацион технологиялар асосида олий таълим

муассасалари талабаларида иқтисодий тафаккурни ривожлаштириш йўллари илмий асослашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти талабаларнинг тафаккур рефлексияси юқори даражаси ва ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ўқув модулидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, хусусан, таълим эҳтиёжлари асосида ўқув режалар ва дастурларни такомиллаштиришда оптимал фойдаланиш, замонавий илмий-услубий таъминотни кучайтириш ва умуман таълим сифатини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инновацион технологиялар воситасида талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожлантириш жараёнида олинган натижалар асосида:

жамият тараққиётининг асосий мақсадлари (макро ва микро), инновацион иқтисодий тафаккур тушунчасининг моҳияти, билимларни инновацияга айланиш босқичларидаги иқтисодий фикрлаш тузилмаси (объекти, субъекти ва йўналиши) ва турлари (давлат, бозор, ижтимоий)га оид таклифларидан Ф1-04(08)- “Ўзбекистонда давлат миқёсида туризмни барқарор ривожланишининг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда кооперация ва интеграция муносабатлари асосида фермерлик хўжаликларида рақобатбардош маҳсулотларини етказишнинг муқобил моделларини ишлаб чиқиш” (2017-2020 йиллар) мавзудаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2020 йил 24 сентябрдаги 89-03-3513 – сон маълумотномаси). Натижада талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожлантириш жараёни самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш имконияти юзага келган;

иқтисодий фанларни ўқитишда иқтисодий тафаккурни ривожлантирувчи таълим технологияларини лойиҳалаш жараёни, иқтисодий тафаккур ва талаба маданиятининг ўзаро алоқадор элементлари (билим, дунёқараш, маданият), иқтисодий тафаккурни ривожлантирувчи аудиториядан ташқари ўқув фаолияти босқичлари, инновацион-тадқиқотчиликка йўналтирилган таълим ёндашувларининг (“эссе”, “флешмоб” каби) талаба шахсида иқтисодий тафаккурни шакллантириш имкониятларига оид таклифларидан ОТ-Ф2-62-“Саноат корхонасида электроташминот тизимининг умумлаштирилган кўрсаткичларига асосланган “интеллектуал” электротармоқни шакллантириш назариясини ривожлантириш” (2017-2020 йиллар) мавзудаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2020 йил 24 сентябрдаги 89-03-3513 – сон маълумотномаси). Натижа талабаларда иқтисодий тафаккурни ахборот-коммуникация воситалари асосида ривожлантиришга хизмат қилган;

олий таълим муассасаларида иқтисодий фанларни ўқитишнинг илмий-услубий таъминоти, педагогик жараёнларнинг методик комплексини (тавсиялар, ишланмалар, ресурслар, сценарийлар) ва талабаларда иқтисодий тафаккурнинг ривожланиш даражасини баҳолаш тузилмаси (когнитив, психоэмоционал, стереотиплаштириш)га оид таклифлари касб таълими 5230100-иқтисодиёт бакалавриат таълим йўналишлари учун “Рационал

иктисодий қарорларни қабул қилиш” ўқув модулининг мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2020 йил 24 сентябрдаги 89-03-3513 – сон маълумотномаси). Натижалар олий таълим муассасалари талабаларида иқтисодий тафаккурни педагогик технологиялар асосида ривожлантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 6 таси республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети таърифланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келирилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларда иқтисодий тафаккур ижтимоий-педагогик тушунча сифатида миллий иқтисодиётни жаҳон ҳамжамиятининг умумий глобаллашуви ва интеграциялашуви шароитларида ривожланишининг услубий ва илмий асослари ёритилган. Иқтисодий тафаккур инсон ва жамиятнинг ҳўжалик фаолияти билан биргаликда вужудга келган ва ривожланган. У илк бор одамларнинг иқтисодий фаолиятига маълум қарашлар тизими сифатида қадимги цивилизацияларидаёқ шаклланган.

Ўзбекистоннинг ҳозирги замон олимлари тадқиқотларида кўпроқ мактаб ва коллеж ўқувчиларида иқтисодий саводхонлик ривожланиши муаммолари ва методикалари кўриб чиқилган, олий таълим муассасалари талабаларида иқтисодий тафаккур ривожланиши муаммолари эса етарлича ўрганилмаган. Хорижий олимларнинг илмий тадқиқотлари таҳлили тарихан иқтисодий таълим бўйича ўқувчиларнинг кўпроқ паст натижалари, ўқитувчиларнинг етарли тайёрланганмаганлиги ва илмий тадқиқотлар миқдорий натижаларини етишмаслиги тўғрисида хулосага келтиради. Бошқа муаллифлар

тадқиқотлари кўрсатдики, ўқитишнинг муқобил усуллари аънавий маъруза машғулотларга қўшимча равишда кўшиш талаба томонидан фанни ўзлаштиришга сезиларли таъсир кўрсатмайди, бу ҳолат иқтисодий тафаккур даражасини дастлабки ва якуний тестлаш билан тасдиқланган.

Кўп тадқиқотчилар иқтисодий саводхонлик кучайишини танқидий фикрлаш ривожланиши билан боғлайди. Улар иқтисодиётни ўрганиш талабаларнинг танқидий фикрлаши ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади деган фарзани таклиф қилади. Уларнинг тадқиқотлари иқтисодиётни ўрганиш талабанинг танқидий фикрлаш кўникмаларини ошириши тўғрисида фарзани эмпирик тасдиқлашни таъминлайди. Айрим муаллифларнинг ўқувчиларда иқтисодий тафаккурини ривожланиш даражасини миқдорий ўлчаш воситасини яратиш бўйича уринишлари алоҳида эътиборга лойиқ. Талабаларда иқтисодий тафаккурни баҳолаш модели турларидан бири бу “Талабаларда иқтисодий тафаккурни баҳолашнинг кўп ўлчовли модели”, унинг таҳлили мазкур модель кўпроқ педагогик бихевиоризмга мослиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради, демак, бу модель кўпроқ ўқувчи, тарбияланувчини замонавий ижтимоий-маданий муҳитнинг аниқ талабларига мослашиши, иқтисодий билим, қобилият ва кўникмалар жамламасидан энг яхши йўл билан фойдани олиш қобилияти билан боғлиқ *адаптив* функцияни бажаради. Инсон шахсини, ижодий индивидуаллигини ривожлантиришга қаратилган *гуманистик* функция бу моделда суёт намоён бўлади. Шу билан бирга моделда иқтисодий қарорларни қабул қилишда шахс онгида ўтадиган, тафаккур жараёнларини бевосита акс эттирувчи омиллар ишга туширилмаган.

*Иқтисодий тафаккур* деб иқтисодий воқеликни акс эттирувчи жараён ва натижа, амалий иқтисодий масалаларни ечишда бажариладиган иқтисодий тушунчалар аппаратидан назарий ва амалий фойдаланиш бўйича билимлар, малака ва кўникмалар тушунилади. Иқтисодий тафаккурнинг шаклланиш жараёни индивид, гуруҳ фаолиятида иқтисодий назария ва амалиётни бирлигини назарда тутди.

Инновацион фаолиятга “хизмат қилувчи” ва унинг муваффақиятлигини таъминловчи тафаккурнинг алоҳида тури сифатида кўриладиган инновацион иқтисодий тафаккурнинг схемаси ишлаб чиқилди.

Талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожланганлигининг жорий даражасини таҳлили натижаларига кўра талабалар уларнинг бўлажак фаолияти ва умуман мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун иқтисодий билимлар ва иқтисодий маданият муҳимлигини аниқ англашлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Шу билан бирга уларнинг аксарияти бугунги куннинг воқелигида ҳаракат қилишда қийинчиликларга дуч келмоқда, чунки улар таҳсил олаётган таълим тизими амалий кўникмалар етишмаслиги туфайли уларнинг интеллектуал салоҳиятини тўла миқдорда очиқ бермайди. Жуда кам талабалар ўзларининг ғоя ва лойиҳалари учун техник-иқтисодий асосномани ҳисоблашга қодир. Талабаларнинг кўпчилиги иқтисодий мазмунли қонунчилик ҳужжатлар маъносини етарлича

тушунмайди. Талабаларнинг 70% жамият ривожланишининг иқтисодий моделларини янгилашни маъқуллайди.

Диссертациянинг **“Талабаларда иқтисодий тафаккур ривожланишининг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида тарбиялаш, ўқитишнинг усуллари ва аниқ тизимларини танлаш билан боғланган шахсга йўналтирилган ўқитишнинг психологик-педагогик шароитлари, ривожланган иқтисодий тафаккурга эга талабанинг фаол ижодий шахсини шакллантириш жараёнини фаоллаштириш шароитлари тавсифланган.

Бу бўлимда инновацион технологиялар асосида талабаларда иқтисодий тафаккур ривожланишининг педагогик шароитлари комплекс тарзда таҳлил этилган, талабаларда иқтисодий тафаккурнинг мазмуни ва ривожлантириш технологиялари очиб берилган, ҳамда мавжуд бўлган педагогик инновациялар таснифлари шарҳи ва тавсифи келтирилган.

Маҳаллий ва хорижий манбалардаги илмий тадқиқотлар таҳлили асосида инновацион фаолиятини ривожлантириш механизми ишлаб чиқилган, талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожлантириш бўйича таълим технологиясини лойиҳалаш схемаси тақдим этилган.

Муаллиф томонидан талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожлантириш бўйича тадқиқот кўникмаларини ривожлантириш зарурлиги асосланган ҳамда талабаларнинг излаш-тадқиқот ишларини ташкил этиш схемаси таклиф этилган.

Иқтисодий тарбиялаш тизимида талабанинг иқтисодий тафаккури ва маданияти ўзаро боғлиқлиги таҳлил этилган.

Талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг асосий йўналиши муаммоли ўқитишнинг концепцияси ҳисобланади. Уни самарали қўлланишини учун «Кейс-стади» технологияси мазмуни очиб берилган.

Анъанавий технологияларга қарши инновацион технологияларни қўллаш кераклиги асослаб берилган ҳамда ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновация шакли сифатида лойиҳалаш-кейс технология схемаси келтирилган.

*Лойиҳалаш-кейс технология* талабаларнинг илмий-таълим ва илмий-ишлаб чиқариш лойиҳаларни ишлаб чиқишда, амалга оширишда иштирокида, махсус ташкил этилган амалий машғулотларда кейсларни жамлашда асосланган.

*Тизимли йўналтирилган технология* кўп омилли касбга йўналтирилган ўқув масалаларни ечишда талабларда касбий компетенция компонентларини босқичма-босқич шакллантиришга қаратилган.

*Лойиҳавий-мақсадли технология* касбий компетенциялар шаклланишини, ахборот ва билиш малакаларни ривожланишини таъминлаб, реал вазиятларга максимал равишда яқинлаштирилган фаолият шароитларини яратишга имкон беради. Лойиҳавий-мақсадли технология таълимнинг мақсади, мазмуни, технологиясини интегратив асосдаги инновацион фаолиятининг лойиҳаси сифатида қаралади.

Иккинчи бобда талабаларда иқтисодий тафаккур ривожланишида аудиториядан ташқари фаолиятни ташкил этиш технологияси очиб берилган, иқтисодий тафаккурни талабалар шахсини шаклланиш жараёнидаги роли схематик кўринишда асослаб берилган. Таълим концепцияларини ҳар томонлама таҳлил этиш асосида интерфаол муаммоли ўқитишнинг тамойиллари схемаси ишлаб чиқилган. Тажриба-синов ишлари ўтказишнинг асосий босқичи натижалари келтирилган, иқтисодий фанларга ўқитишнинг энг самарали инновацион технологиялари реал ўқув шароитларда апробация қилинган, уларнинг талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожланишига таъсири баҳоланган.

Диссертациянинг **“Инновацион технологиялар асосида талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобда педагогик экспериментнинг мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тажриба-синов ишлари Бухоро, Қарши, Самарқанд давлат университетлари, Бухоро муҳандислик-технология институтида олиб борилган. Тадқиқотда қуйидаги мезонлар баҳоланди: иқтисодий фанлар ўқитишнинг педагогик технологиялари мазмунига қараб тингловчиларнинг тафаккур қобилиятларини кучайтириши, тафаккур рефлексиясини “юқори”, “ўрта”, “қуйи” даражалари бўйича ривожланиши.

Нафақат ўзгарувчан ташқи муҳит шароитларига энг қатта фойда билан мослашишга ўрганиш эмас, балки жамиятнинг фаол фуқаролик муносабати шаклланган тўлақонли аъзоси сифатида бўлиш учун барча тафаккур жараёнларнинг турли тавсифларига, когнитив ва таҳлиллаш қобилиятларига эга талабаларга етарли даражада иқтисодий қонунлар, тамойиллар ва қонуниятларни ўзлаштиришга имкон берадиган ўқув жараёни қандай ташкил этиш кераклиги тўғрисидаги масала ҳозирги кунгача очиқлигича қолмоқда.

Мазкур муаммони ечиш мақсадида иқтисодий тафаккур ривожланганлигини баҳолаш бўйича параметрик модель ишлаб чиқилган. Мазкур модель ишлаб чиқишнинг замини иқтисодий социология ва иқтисодий психология соҳаларидаги ишланма ва ютуқлар ҳамда улар ўртасидаги фанлараро боғланишлар ҳисобга олинди.

Тажриба-синов гуруҳларида ролли ўйинлар, лойиҳалаш усули, кейс-стади, қисқача хатлар ёзиш, флешмоб (flash mob<sup>1</sup>) каби ўқитиш инновацион технологияларини қўллаб ўтказилган машғулотлар тажрибаси кўрсатдики, улар талабаларнинг барча тоифаларига самарали бўлмас экан. Ижодий ёндашувга асосланган таълим технологияларини фақат моделлаш ва мустақил фикр юрита оладиган, тафаккур рефлексияси юқори даражали бўлган талабалар учун муваффақиятли қўллаш мумкин. Анъанавий тафаккурли талабалар учун мазкур технологияларни қўллаш кутиладиган натижаларни бермайди, чунки бу тоифали талабалар алгоритмли ўқитишга йўналтирилган, шунинг учун талабаларда иқтисодий тафаккурни

---

<sup>1</sup> Флешмоб (инглиз тилида) — одамлар гуруҳида чакнаш.

ривожлантиришга қаратилган таълим технологиясини танлашдан аввал талабаларда тафаккур ривожланганлиги даражасини дастлабки диагностикасини ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бундай баҳолаш ўқитувчига талаба қайси турдаги тафаккурга тааллуқли, ўқитишнинг қайси шаклларига мойиллиги тўғрисида маълумот беради. Маълум педагогик технологияни қўллашдан кейин иқтисодий тафаккур даражасини баҳолашни ўтказиш унинг самарадорлигини фараз тарзда эмас, балки аниқ талабалар гуруҳига нисбатан баҳолашга имкон берди.

Педагогик эксперимент жараёнида назорат гуруҳида 220 респондент ва тажриба гуруҳида 225 респондент иштирок этди. Юқорида белгиланган мезонлар бўйича ривожланиш динамикаси таҳлил этилди. Натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Талабалар нисбий равишда уч турга ажратилган: 1) репродуктив тафаккурга эга; 2) репродуктив-вариатив тафаккурга эга; 3) маҳсулдор тафаккурга эга.

Иқтисодий тафаккур ривожланганлиги даражасини баҳолаш модели уч компонентни қамраб олган:

1. Когнитив.
2. Психоэмоционал.
3. Стереотиплаштириш даражаси.

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг кўп векторли схемаси ўқитишнинг инновацион методикаларини қўллаш асосида ўқувчиларда тафаккур рефлексияси ривожланишининг юқори даражасига ва ижодий қобилиятларга эришишга имкон берувчи механизмдир. Мазкур механизм таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини асосий омиллар сифатида ўқув-ишлаб чиқариш интеграцияси концепцияси ва фанлараро боғланишларни кучайтиришга таянган.

Иқтисодий тафаккурнинг юқори даражада ривожланганлигини тавсифловчи асосий шахсий хислатлар деб *маҳсулдорлик, инновационлик, ўз имкониятларини амалга ошириш* белгиланди, уларни шакллантириш учун ўз ичига қуйидагиларни қамраб олувчи оптимал педагогик шарт-шароитлар яратилиши зарур: ўқитишнинг тизимли йўналтирилган технологияси, касбий ўқитишнинг лойиҳавий-мақсадли технологиясини қўллаш, ўқитишнинг фаол ва интерфаол шаклларида фойдаланиш, ўқитишнинг пассив-билимли парадигмасидан фаол-фаолиятли парадигмасига ўтиш, илгариланма ўқитиш модели, дидактик фокуслаш стратегияси.

Маҳсулдорлик – бу ўқитиш жараёнида олинган билимларни қарорларни мустақил қабул қилишда самарали қўллаш малакасида, бўлажак мутахассисларни инновацион ривожланишнинг мураккаб муаммоларини қўйиш ва ечишга тайёрлигида, илмий билимларни моддий ресурсларга, ғояларни эса – реал маҳсулотларга айлантиришда акс эттириладиган иқтисодий компетенцияларни шакллантириш.

Инновационлик – бу янги ва ностандарт вазиятларни тушуниб етиш қобилиятда, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш ва ўзгартиш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда, қайта ўқитишга тайёрликда, иқтисодий тафаккур глобаллаштириш шароитларида келажақдан олдинга ўтиш ва жамиятнинг иқтисодий тизими ҳолатини башорат қилиш малакасида ифодаланган шахсий ва касбий хислатларни такомиллаштириш жараёни.

Ўз имкониятларини амалга ошириш – бу ўзини ижодий томондан кўрсатиш, ижтимоий мослашани, узлуксиз ижтимоий таълим ва шахсий ўсишга интилишни, янги иқтисодий шароитларга мослашган ва ўз имкониятларини танланган касбга кўра максимал тарзда амалга оширишга қодир ижтимоий фаол шахсни шаклланиш йўли билан ўзининг мавқеини оптимал тарзда аниқлаб олишни назарда тутувчи жараён.

Иқтисодий тафаккурни кўп векторли ривожлантириш механизми олий таълим муассасада ўқиш босқичини ўзида талабаларни касбий масалаларнинг кенг мажмуаси билан таништириш мақсадида ўқитишнинг янги усулларида эгилувчан ва кенг фойдаланишга қаратилган. Унинг мақсади – таълим, тадқиқ ва инновацион фаолиятини таълим муассасалари, илмий-тадқиқот муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари иштирокида ягона ташаббусга самарали бирлаштириш.

Назорат ва тажриба гуруҳларда иқтисодий тафаккур ривожланганлик даражасининг қиёсий таҳлили 1-жадвалда келтирилган.


### 1-жадвал.

#### Назорат ва тажриба гуруҳларда иқтисодий тафаккурнинг ривожланганлик даражасини қиёсий таҳлили

Талабалар тафаккурининг тури	Тадқиқотнинг дастлабки босқич натижалари				Тадқиқотнинг якуний босқич натижалари			
	Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи	
	Талабалар сони	Талабалар умумий сонига нисбатан, %	Талабалар сони	Талабалар умумий сони га нисбатан, %	Талабалар сони	Талабалар умумий сони га нисбатан, %	Талабалар сони	Талабалар умумий сони га нисбатан, %
Тафаккурнинг репродуктив тури	82	37,3	105	46,7	73	33,2	39	17,4
Тафаккурнинг репродуктив-вариатив тури	63	28,6	57	25,3	69	31,3	95	42,2
Тафаккурнинг маҳсулдор тури	75	34,1	63	28	78	35,5	91	40,4
Жами	220	100	225	100	220	100	225	100


Иқтисодий тафаккурни кўп векторли ривожлантиришнинг принципиал схемаси 1-расмда келтирилган.






**1-расм. Талабаларда иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг кўп векторли механизми.**

Иқтисодий тафаккурнинг ривожланганлик даражаси турлича бўлган талабаларнинг тажриба-синов ишларнинг бошида ва охиридаги сонини таққосланиши 2 ва 3 расмларда келтирилган.



**2-расм. Тажриба-синов ишларнинг бошланишида иқтисодий тафаккури турли даражадаги талабалар сони нисбати.**



**3-расм. Тажриба-синов ишларнинг якунида иқтисодий тафаккури турли даражадаги талабалар сони нисбати.**

